

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛИШЛАРИ, КЕТИШЛАРИ, БУ ЕРДА
БЎЛИШЛАРИ ВА ТРАНЗИТ ЎТИШЛАРИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартибини янада соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби 1-иловага мувофиқ;

Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари 2-иловага мувофиқ;

Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари қоидалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан бир ой муддатда таклифлар ишлаб чиқсин ва уларни белгиланган тартибда тақдим этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа вазирликлар ва идоралар ўзларининг идоравий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 сентябрдаги 415-31-сон қарори билан тасдиқланган хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишларининг Вақтинчалик қоидалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Х. Ғуломов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг

Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,

1996 йил 21 ноябрь,

408-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорига 1-илова

ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛИШЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН КЕТИШЛАРИ ТАРТИБИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар* хусусий ҳамда хизмат ишлари бўйича, турист сифатида, дам олиш, ўқиш, ишлаш, даволаниш ва доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасига келишлари ва ундан кетишлари мумкин.

* Кейинги ўринларда матнда «хорижий фуқаролар» деб аталади.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 116-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 17-сон, 191-модда)

2. Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари, шу жумладан транзит кириш визалари:

а) Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасалари томонидан, бундай консуллик муассасалари мавжуд бўлмаган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг икки томонлама битими мавжуд бўлган бошқа давлатларнинг консуллик муассасалари томонидан берилади.

Бош консулликлар, консулликлар, вице-консулликлар, консуллик агентликлари ва элчихоналарнинг консуллик бўлимлари Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги консуллик муассасалари ҳисобланади;

б) халқаро аэропорт мақомига эга бўлган Ўзбекистон аэропортларидаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бўлинмалари томонидан берилади.

Аэропортларда Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик муассасалари ва бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасига кириш визалари хорижий фуқароларнинг барча тоифаларига берилади.

Кириш визалари, қоидага кўра, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бўлинмалари визаларнинг амал қилиш муддатини узайтиришни хорижий фуқароларнинг қуйидаги тоифалари учун амалга оширади:

(3-банднинг 1-хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли

бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ходимларига (ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига), шунингдек Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган матбуот вакилларига ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига;

(3-банднинг «а» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 апрелдаги 203-сонли қарори таҳририда - ЎР ҚХТ, 2004 й., 17-сон, 199-модда)

б) расмий ва парламент делегациялари аъзоларига;

в) дипломатик мақомга эга бўлган бошқа шахсларга;

г) ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган хорижий фуқароларнинг таклифи бўйича келганларга, бироқ кўпи билан 2 марта келганларга.

Визанинг узайтирилиши республика ҳудудида расмий бўлишга рухсатноманинг узайтирилишини англатади. Амалий жиҳатдан визани узайтириш амал қилиш муддати янгиланган янги виза бериш йўли билан амалга оширилади, хорижий фуқаро аккредитация қилинган тақдирда эса визанинг тури ҳам ўзгартирилади.

(3-банднинг «г» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

4. Кўп марта фойдаланиладиган визалар ушбу Тартибнинг 3-банди «а» кичик бандида кўрсатилган хорижий фуқароларга улар аккредитация қилинган муддатга, ушбу Тартибнинг 3-банди «б», «в» ва «г» кичик бандларида кўрсатилган фуқароларга бир йилгача муддатга берилади.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари Ўзбекистон Республикасидан кетиш (кетиш, кетиш-келиш) визаларини бериш ва уларнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни ушбу Тартибнинг 3-бандида кўрсатилмаган хорижий фуқаролар учун амалга оширадilar.

6. Кўп марта фойдаланиладиган визалар бир йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан хорижий фуқароларнинг қуйидаги тоифаларига ва уларнинг оила аъзоларига берилади:

а) ваколатхона ходимининг аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида аккредитация қилинган фирмалар ва компаниялар доимий ваколатхоналари ходимларига берилади. Виза хорижий фирма ёки компаниянинг доимий ваколатхонаси илтимосномаси асосида берилади;

(6-банднинг «а» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сонли қарори таҳририда - ЎР ҚХТ, 2005 й., 34-36-сон, 264-модда)

б) хорижий фуқаронинг хорижий банк ёки бошқа молия ташкилоти штатига киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган хорижий банк ёки бошқа молия ташкилоти ходимларига берилади. Виза хорижий банк ёки бошқа молия ташкилотининг илтимосномаси асосида берилади;

в) Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ёки аккредитация қилинган қўшма корхоналар ва 100 фоиз хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ходимларига, улар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг меҳнат фаолияти кўрсатиш учун рухсатномасини олганларидан сўнг, агар икки томонлама ва кўп томонлама ҳукуматлараро Битимлар билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, берилади. Виза корхона илтимосномаси асосида берилади.

(6-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 апрелдаги 162-сонли қарори таҳририда - ЎР ҚХТ, 2001 й., 7-сон, 36-модда)

г) инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган хорижий компанияларнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларига. визалар Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг илтимосномалари асосида берилади.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 июндаги 177-сонли қарорига мувофиқ «г» кичик банд билан тўлдирилган - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 25-сон, 274-модда)

7. Ўзбекистон Республикасига келиш учун берилган виза, транзит визадан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ҳақиқий ҳисобланади, хорижий фуқароларнинг боришлари учун ёпиқ бўлган жойлар, объектлар бундан мустаснодир.

8. Ўзбекистон Республикаси консулик муассасалари ва ички ишлар органлари томонидан хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан кетиш визалари берилганлиги ёки уларнинг амалда бўлиш муддати узайтирилганлиги учун улардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва миқдорда давлат пошлинаси ундирилади.

9. Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва кетишлари тартиби, уларга визалар бериш ҳамда уларнинг амал қилиш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан кўп томонлама ва икки томонлама битимлари билан, тенглик асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан ўзгартирилиши мумкин.

(9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 июлдаги 315-сонли қарори таҳририда - ЎР ҚХТ, 2001 й., 14-сон, 95-модда)

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛИШ ВИЗАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

10. Юридик шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, хорижий фуқароларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) ноижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари таклифи бўйича Ўзбекистон Республикасига келмоқчи бўлган хорижий фуқаролар визалар олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консулик муассасаларига, бундай муассасалар бўлмаган тақдирда - Ўзбекистон Республикаси учун консулик функцияларини бажариш юзасидан келишиб олинган бошқа давлатлар консулик муассасаларига тўлдирилган белгиланган шаклдаги виза анкетасига таклифнома ва миллий паспортни ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатни (кейинги ўринларда матнда «миллий паспорт» деб юритилади) илова қилган ҳолда мурожаат қиладилар.

(10-банднинг 1-хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган хорижий фуқаролар - халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) ноижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аккредитация карточкаси асосида виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун мурожаат қиладилар.

Юридик шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) ноижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари хорижий фуқароларга таклифномаларни фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига виза берилишида ёрдам кўрсатиш тўғрисида илтимоснома берганларидан кейингина юборадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, хорижий фуқароларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) ноижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг ёзма мурожаатларини кўриб чиқади ва чет элдаги консуллик муассасаларига тегишли кўрсатмалар юборди.

Юридик шахсларнинг таклифномаларига биноан Ўзбекистон Республикасига контракт ва шартномалар бўйича уч ойдан ортиқ муддатга ишга келаётган хорижий фуқароларга визалар бериш белгиланган тартибга мувофиқ Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан хорижий фуқарога берилган меҳнат фаолиятига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий фуқаролар - халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган матбуот вакиллари ва уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг аккредитация карточкаси асосида визаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун мурожаат қиладилар.

Виза бериш ҳужжатларини кўриб чиқиш ва хорижий фуқарога келиш визасини расмийлаштириш муддати 10 суткадан ошмаслиги керак.

(10-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 апрелдаги 203-сонли қарори таҳририда - ЎР ҚХТ, 2004 й., 17-сон, 199-модда)

11. Ўзбекистон Республикасига фуқаролар таклифномаси бўйича ёки доимий яшаш учун келмоқчи бўлган хорижий фуқаролар визалар олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаларига, бундай муассасалар бўлмаган тақдирда - Ўзбекистон Республикаси учун консуллик функцияларини бажариш юзасидан келишиб олинган бошқа давлатларнинг консуллик муассасаларига тўлдирилган белгиланган шаклдаги виза анкетасига таклифномани ва миллий паспортни илова қилган ҳолда мурожаат қиладилар.

(11-банднинг 1-хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

Чет элдан хорижий фуқароларни таклиф қилмоқчи бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида вақтинча (3 ойдан ортиқ) яшаб турган ва доимий яшаётган хорижий фуқаролар яшаш жойидаги ички ишлар органларига икки нусхада тўлдирилган белгиланган шаклдаги анкета-ариза билан мурожаат қиладилар.

Фуқароларнинг таклифномаси бўйича хорижий фуқарога Ўзбекистон Республикасига келишга виза бериш учун рухсатномани расмийлаштириш муддати 15 суткадан ошмаслиги керак. Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун келаётган хорижий фуқаролар учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати айрим ҳолларда 30 суткагача узайтирилиши мумкин.

12. Хорижий фуқаролар турист сифатида келиш визаларини олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасасига, бундай муассасалар бўлмаган тақдирда - Ўзбекистон Республикаси учун консуллик функциясини бажариш юзасидан келишиб олинган бошқа давлатларнинг консуллик муассасаларига тўлдирилган белгиланган шаклдаги виза анкетасига миллий паспортни ва «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ёки ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошираётган туристик ташкилотларнинг таклифномасини тақдим этган ҳолда мурожаат қиладилар.

(12-банднинг 1-хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

Хорижий фуқаронинг турист сифатида келиш визасини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан 3 суткадан ошмайдиган муддатда амалга оширилади, байрам ва дам олиш кунлари бундан мустаснодир.

Хорижий давлатда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасига туристлар сифатида келаётган хорижий фуқароларга келиш-кетиш визаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг аэропортлардаги консуллик бюроси томонидан берилишига йўл қўйилади.

13. Хорижий фуқаролар транзит визасини олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасасига, бундай муассасалар бўлмаган ҳолларда - Ўзбекистон Республикаси учун консуллик функцияларини бажариш юзасидан келишиб олинган бошқа давлатларнинг консуллик муассасаларига тўлдирилган белгиланган шаклдаги виза-анкета билан мурожаат қиладилар ҳамда миллий паспортни, борилаётган давлат визасини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан борилаётган давлатга жўнаб кетиш санаси тасдиқланган йўл ҳужжатларини тақдим этадилар.

(13-банднинг 1-хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали шахсий, йўловчилар ташиш ёки юк транспортида транзит билан ўтиб кетадиган хорижий (ҳайдовчилар) фуқаролар (72 соатдан кўп бўлмаган муддат мобайнида) виза анкетаси, миллий паспорт ва борилаётган мамлакат визасидан ташқари халқаро намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини, транспортга эгаликни ва автотранспортнинг техник ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатларни, юкнинг борилаётган мамлакатга етказиб берилишини тасдиқловчи юк ҳужжатларини ва Ўзбекистон Республикаси

қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни тақдим этадилар.

(13-банднинг 2-хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

Транзит визани Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан расмийлаштириш 3 сутка мобайнида амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари бошлиқлари алоҳида ҳолларда хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига келиш визасини бериш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда улар қабул қилинган қарор тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига бир сутка мобайнида хабарнома йўллайдилар.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН КЕТИШ ВИЗАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

15. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, чет элга бормоқчи бўлган фуқаролиги бўлмаган шахс яшаш учун ҳужжатни, белгиланган намунадаги анкета-аризани, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанцияни ва 35 x 45 мм ўлчамли 4 та фотосуратни тақдим этган ҳолда, доимий рўйхатда турган жойдаги кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига мурожаат қилади.

Чет элга вақтинча чиқишда фуқаролиги бўлмаган шахсга чет элга чиқиш учун 2 йил мобайнида амал қиладиган рухсатнома ёзуви стикери (кейинги ўринларда стикер деб аталади) расмийлаштирилади. Кўрсатилган муддат мобайнида фуқаролиги бўлмаган шахс бир неча марта чет элга чиқиши мумкин. Стикернинг амал қилиш муддати фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан бошқа хорижий давлатларга стикер расмийлаштирмасдан чиқиши қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка олиб келади.

Стикернинг амал қилиш муддати чет элда тамом бўлиши Ўзбекистон Республикасига киришда, шунингдек бир хорижий давлатдан бошқасига сафар қилишда фуқаролиги бўлмаган шахсларни жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланмайди.

(15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 октябрдаги 301-сон қарорига мувофиқ 3-4-хатбошилар билан тўлдирилган - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 539-модда)

Доимий яшаш учун чет элга чиқишда фуқаролиги бўлмаган шахсга амал қилиш муддатисиз стикер расмийлаштирилади.

(15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

16. Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари фуқаролиги бўлмаган шахснинг мурожаатини 15 иш куни мобайнида кўриб чиқади ва чет элга чиқиш ҳуқуқига чекловлар учун асос бўлмаган тақдирда фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномасини расмийлаштиради ҳамда гувоҳномага ёки ҳаракатланиш ҳужжатига стикерни ёпиштиради.

Ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 30 иш кунигача узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахс чет элдан қайтганидан кейин уч иш куни мобайнида гувоҳнома ёки ҳаракатланиш ҳужжатини топшириш ва ўрнига Ўзбекистон Республикасида яшашга рухсатнома олиш учун кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига мурожаат қилишлари керак.

Амал қиладиган стикер фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳақиқий бўлмаган гувоҳномасидан ёки ҳаракатланиш ҳужжатидан янги гувоҳнома ёки ҳаракатланиш ҳужжатига кўчирилган ҳолларда, ушбу стикерни расмийлаштириш муддати 7 иш кунидан ошмаслиги керак.

Чет элга хизмат сафарига бораётган фуқаролиги бўлмаган шахсларга, улар ишлайдиган ташкилотларнинг мулкчилик шаклларида қатъи назар, чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклашлар учун асос бўлмаган тақдирда, стикерни расмийлаштириш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 10 иш кунидан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқишни талаб қиладиган шошилишч даволаниш заруриятини, оғир касаллик ҳолатларини ёки яқин қариндоши вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда фуқаролиги бўлмаган шахсга ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга стикерни расмийлаштириш муддати, чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлмаган тақдирда, 5 иш кунидан ошмаслиги керак.

Доимий яшаш учун чет элга чиқишда фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ўз ота-онасининг ва турмуш ўртоғининг (биргаликда чиқиш ҳолатлари бундан мустасно), шунингдек агар биргаликдаги никоҳдан болалар бўлса, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган собиқ турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилигини, шунингдек улар вафот этган ёки бедарак йўқолган ҳолларда, вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорининг нотариал тасдиқланган нусхасини кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига тақдим этади.

(16-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

17. Фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасидан кетиш ҳужжатларини олганларидан сўнг виза олиш учун тегишли давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига мурожаат қиладилар.

(17-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

18. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш учун гувоҳномаси ва доимий рўйхатдан ўтказилганлиги:

фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиққанда, агар улар уч йилдан ортиқ вақт мобайнида узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш жойига қайтмаса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинча ташқарига чиққан фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тамом бўлгач, агар улар ҳаракатланиш ҳужжатини алмаштирмаса ёхуд узрли сабабларсиз уни алмаштиришни рад этса;

бекор қилиш тўғрисида шахсан мурожаат қилса ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома

бўйича бошқа шахс мурожаат қилса ёки чет элдаги тегишли органларнинг сўрови бўйича бекор қилинади.

(18-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛИШ ВА УНДАН КЕТИШ ҲУҚУҚИДАГИ ЧЕКЛАШЛАР

19. Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасига келиши қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

а) миллий хавфсизлик ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йўлида;

б) агар бу Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса;

(19-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 августдаги 236-сон қарорига мувофиқ чиқариб ташланган - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 32-сон, 376-модда)

в) агар шахс чет эл террорчи, экстремист ва бошқа жиноий ташкилотларнинг фаолиятига алоқадор бўлса;

г) агар шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса ёки зарур ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

д) агар шахс илгари хорижий шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келиш-кетиш тартибини ҳамда бу ерда бўлиш қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг божхона, валюта ва бошқа қонунчилигини бузганлиги аниқланган бўлса;

(19-банднинг «е» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

е) агар шахс касал бўлса ёки унинг саломатлиги жамият хавфсизлиги ва соғломлигига хавф туғдирса ҳамда ушбу касаллик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган бўлса.

(19-банднинг «г-ж» кичик бандлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 августдаги 236-сон қарорига мувофиқ «в-е» кичик бандлари деб ҳисобланган - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 32-сон, 376-модда)

Ушбу қарор билан тасдиқланган Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларининг 40-бандига мувофиқ хорижий фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикасига келиш чекланган бўлса, унга Ўзбекистон Республикасига келиши рад этилади.

(19-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 августдаги 236-сон қарорига мувофиқ 8-хатбоши билан тўлдирилган - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 32-сон, 376-модда)

20. Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан кетишига қуйидаги ҳолларда рухсат берилмайди:

а) агар унинг кетиши давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига зид бўлса - кетишга

тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг амал қилиш муддати тугагунгача;

б) агар шахсга нисбатан унинг доимий яшаш учун чет элга кетишига тўсқинлик қилувчи шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса - ушбу мажбуриятлар тўхтатилгунга қадар;

в) агар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса - иш охирига етказилгунга қадар ёки унинг юзасидан суд қарори қабул қилинганга қадар;

г) агар шахс жиноят содир этганлиги учун жазога ҳукм қилинган бўлса - жазони ўтаб бўлгунгача ёки жазодан озод этилмагунча;

д) агар шахс унга суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортаётган бўлса - мажбуриятларни тўлиқ бажариб бўлгунга қадар;

е) агар шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса;

ж) агар судда шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси қўзғатилган бўлса - суд томонидан қарор қабул қилиниб ва у ижро этилганга қадар.

V. ЧЕТ ЭЛГА КЕТИШ ҲУҚУҚИ РАД ЭТИЛГАНЛИГИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

21. Ушбу Тартибнинг IV бўлимида назарда тутилган асослар бўйича чет элга кетиш ҳуқуқининг рад этилиши, жавоб беришнинг белгиланган муддатидан ортиқча кечиктирилиши устидан хорижий фуқаролар юқори органларга шикоят қилишлари мумкин, бу органлар бир ойдан кўп бўлмаган муддатда жавоб беришлари керак, хорижий фуқаро унинг қароридан норози бўлганда, судга шикоят қилиши мумкин. Чет элга кетиш ҳуқуқини мазкур Тартиб 20-бандининг «б» кичик бандида кўрсатилган сабабларга кўра чеклаш устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорига 2-илова

ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШЛАРИ ҚОИДАЛАРИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар* Ўзбекистон Республикасида доимий яшашлари ёки вақтинча бўлишлари мумкин.

* Кейинги ўринларда матнда «хорижий фуқаролар» деб аталади.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 116-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 17-сон, 191-модда)

2. Мазкур Қоидалар:

а) Ўзбекистон Республикасида бўлувчи хорижий фуқароларни келиш визасининг амал қилиш муддатига вақтинча рўйхатдан ўтказиш;

(2-банднинг «а» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

б) хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсатномалар бериш;

в) хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юришлари;

г) қонунчиликни ва мазкур Қоидаларни бузганликлари учун хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари муддатларини қисқартириш ва бу ердан чиқариб юбориш тартибини белгилайди.

3. Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи хорижий фуқаролар ўзларини қабул қилувчи ташкилотлар (вазирликлар, идоралар, мулкчилик шакллари ва фаолият туридан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар, хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари)ни*, шунингдек, хусусий ишлар бўйича уларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган шахсларни хабардор қилган ҳолда хоҳишларига кўра меҳмонхоналарда ёки бошқа турар жойларда яшайдилар.

* Кейинги ўринларда матнда «ташкилотлар» деб аталади.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 апрелдаги 203-сонли қарори таҳририда - ЎР ҚХТ, 2004 й., 17-сон, 199-модда)

4. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий фуқаролар паспортлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатларни* ўзлари билан олиб юришга ва уларни ваколатли органлар вакилларининг талабига кўра кўрсатишга мажбурдирлар.

* Кейинги ўринларда матнда «миллий паспортлари» деб аталади.

Миллий паспортни йўқотиб қўйганлик тўғрисида хорижий фуқаролар уларни қабул қилувчи ташкилотларга ва ички ишлар органларига тезлик билан хабар қилишлари керак.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

5. Қабул қилувчи ташкилотлар хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва мазкур қоидаларда назарда тутилган уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўз вақтида тушунтириб қўйишни, хорижий фуқаролар билан муносабатларда белгилаб қўйилган ҳуқуқий нормаларнинг аниқ бажарилишини таъминлайдилар, хорижий фуқароларнинг тегишли ҳисобини юритадилар, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли ички ишлар бўлимларида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш учун, уларнинг республика ҳудудида юришлари ва уларга белгиланган бўлиш муддатлари тугаши билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишлари учун жавобгар бўладилар.

(5-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

6. Хорижий фуқаро ташкилотлардан бирининг таклифига кўра бу ерга келган ҳолларда, бошқа ташкилот, бу фуқарога нисбатан мазкур қоидаларнинг 5-бандида назарда тутилган мажбуриятларни амалга ошириб ва жавобгарликни зиммасига олиб, уни Ўзбекистон Республикасида қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

7. Хорижий фуқароларни хусусий ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган ва уларга турар жой берган шахслар бу фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлимларида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш учун чора-тадбирлар кўришга ва уларга белгиланган бўлиш муддатлари тугаши билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишларида кўмаклашишга мажбурдирлар.

Мазкур шахслар томонидан хорижий фуқароларга турар жой, транспорт воситалари берилишига ёки уларга бошқа хил хизматлар кўрсатилишига, агар бу Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур қоидаларнинг бузилишига олиб келиши аниқ бўлса, йўл қўйилмайди.

(7-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

8. Ўзбекистон Республикасида турган хорижий фуқаролар унинг қонунчилигига ва мазкур Қоидаларга риоя қилишга мажбурдирлар.

9. Хорижий фуқаролар, шунингдек, мансабдор шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари томонидан мазкур қоидалар талабларига риоя қилиниши устидан назоратни ўз ваколатлари доирасида ички ишлар органлари ва Ташқи ишлар вазирлиги, жойлардаги ҳокимият органлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда амалга оширадилар.

10. Хорижий фуқароларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш, уларга доимий яшаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юришлари учун рухсатномалар бериш тартиби Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама битимлари билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан тенглик асосида ўзгартирилиши мумкин.

(9 ва 10-бандлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАҚТИНЧА БЎЛУВЧИ ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

(II бўлимнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

11. Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий паспортлар бўйича вақтинча рўйхатдан ўтиш асосида яшайдилар. Миллий паспортлар белгиланган жойга келгандан сўнг уч сутка мобайнида вақтинча рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади, байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно.

(11-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

12. Қуйидагилар чет эл паспортларини вақтинча рўйхатдан ўтказишдан озод қилинадилар:

(12-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларига кўра республикага келган чет мамлакатлар давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқлари, парламентлар ва ҳукуматлар делегацияларининг аъзолари, ушбу делегацияларнинг техник ходимлари, санаб ўтилган шахсларнинг оила аъзолари;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан берилган паспортлари бўйича Ўзбекистон Республикасига келган шахслар;

в) 16 ёшга тўлмаган хорижий фуқаролар;

г) Ўзбекистон Республикасига байрам ва дам олиш кунлари ёки одатдаги кунларда уч суткагача муддат билан келган ва шу кунлар мобайнида республикадан жўнаб кетувчи фуқаролар;

(12-банднинг «б», «в» ва «г» кичик бандлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

д) сафарда юрган хорижий туристлар, агар уларнинг республиканинг ҳар бир аниқ аҳоли яшаш жойида бўлишлари муддати уч суткадан ошмаса;

е) белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига келган хорижий ҳарбий самолётлар (кемалар)нинг экипажлари аъзолари.

Ҳарбий самолётлар (кемалар)нинг экипажлари аъзоларининг қирғоққа тушиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб юришига келган ҳарбий самолётлар (кемалар) қабул қилиш режасига мувофиқ катта (ҳарбий) бошлиқ томонидан руҳсат этилади;

ж) халқаро йўлларда юк ва йўловчилар ташишни амалга оширувчи хорижий автотранспорт воситалари экипажлари таркибига кирувчи шахслар, ташишларни амалга ошираётган йўналишларидаги шаҳарларда ва аҳоли яшаш жойларида, шу жумладан, борадиган жойларда бўлган чоғларида;

з) ҳарбий бўлмаган чет эл кемалари экипажлари таркибига кирувчи шахслар гарнизонларда ва чегара шаҳарларида бўлган чоғларида, бу шахслар уюшган ҳолда саёҳатга чиққан

вақтларида эса Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарларида ҳам.

Хорижий фуқаролар кўрсатиб ўтилган тоифаларининг объектлардан чиқишларига портларда амалда бўлган қоидалар ва йўриқномаларга мувофиқ чегара қўшинлари вакиллари томонидан рухсат этилади;

и) халқаро авиация йўлларининг фуқаро ҳаво кемалари экипажлари, халқаро темир йўл поездлари бригадалари таркибига кирувчи шахслар, қатновнинг амалдаги жадвалида кўрсатилган аэропортларда ёки станцияларда бўлган чоғларида.

13. Хорижий фуқароларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйларининг масъул шахслари томонидан келиб жойлашган шахсларнинг ҳисоби юритилади.

Ички ишлар органи ҳудудий бўйсунушига қараб ҳар ҳафтада Манзил-маълумотнома бюросига кетиш ва келиш варақаларини юборишга мажбур. Мулкчилик шаклларида қатъи назар, меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйларининг масъул шахслари ўзлари жойлашган жойдаги Манзил-маълумотнома бюросига ҳисобга олиш учун рўйхатдан ўтказиладиган, келиб жойлашган шахсларнинг анкета-аризаларини ҳар ҳафтада юборишга мажбур.

(13-банднинг 3-хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 44-сон, 507-модда)

Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан аккредитация қилинади.

(13-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида хорижий фуқароларнинг қуйидаги тоифалари аккредитация қилинади:

а) чет эл дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари бошлиқлари, дипломатик корпус ходимлари, консуллик мансабдор шахслари, ҳарбий атташелар дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари;

б) оммавий ахборот воситалари вакиллари ва уларнинг оила аъзолари;

в) Ўзбекистон Республикасига хизмат ишлари бўйича келган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари, кўрсатиб ўтилган ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари ходимлари, шунингдек, мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикасида штаб-квартирага эга бўлган халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ҳузуридаги ваколатхоналарининг, шу ташкилотлар устав ҳужжатларига ёки тегишли шартномаларга кўра дипломатик имтиёزلардан ва иммунитетлардан фойдаланадиган ходимлари ва уларнинг оила аъзолари;

(14-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 апрелдаги 203-сонли қарори таҳририда - ЎР ҚХТ, 2004 й., 17-сон, 199-модда)

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, унинг ваколатхоналари кўрсатиб ўтилган шахсларга аккредитация карточкаларини берадилар ва аккредитация қилинганлиги тўғрисида бевосита уларнинг миллий паспортларига ёзиб қўядилар.

(14-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

15. Мазкур Қоидаларнинг 12, 14 ва 16-бандларида кўрсатиб ўтилмаган хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказилиши керак. Мурожаатнома ички ишлар органларига байрам ва дам олиш кунларини истисно қилган ҳолда хорижий фуқаролар қабул қилувчи ташкилотларга миллий паспортлар вақтинча рўйхатдан ўтказиш учун топширган вақтларидан бошлаб уч суткадан кечикмай берилиши керак.

Ўзбекистон Республикасига хусусий ишлар бўйича, фуқароларнинг таклифлари бўйича келган хорижий фуқаролар, агар Ўзбекистон Республикаси билан тегишли мамлакат ўртасидаги битимга кўра Ўзбекистон Республикасига келишнинг бошқача тартиби ўрнатилмаган бўлса, вақтинча рўйхатдан ўтказиш ва ўзларидаги визаларни белгилаб қўйиш учун ички ишлар органларига шахсан мурожаат этадилар.

(15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

Вақтинча рўйхатдан ўтказиш учун хорижий фуқаролар ўзи турган жойдаги ички ишлар органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

белгиланган шаклдаги илтимоснома;

қабул қилувчи ташкилотнинг белгиланган шаклдаги илтимосномаси;

миллий паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахс учун ҳужжат;

уй-жой эгасининг вақтинча рўйхатдан ўтказишга ёзма розилиги ва уй-жойга бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар;

давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Хорижий фуқаролар вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддатини узайтириш учун ички ишлар органларига вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати тамом бўлишигача уч иш кунидан кечикмай мурожаат қилишлари керак.

(15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарорига мувофиқ 3-9-хатбошилар билан тўлдирилган - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

16. Меҳмонхоналарда қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) хизмат, савдо ёки жамоат ишлари билан, даволанишга ёки дам олишга, турист сифатида, айрим ҳолларда ички ишлар органлари рухсати билан фуқаролар таклифномаларига кўра Ўзбекистон Республикасига келган хорижий фуқаролар, мазкур Қоидаларнинг 12 ва 14-бандларида кўрсатиб ўтилган хорижий фуқаролар бундан мустасно.

Хорижий фуқаролар даволанишга ёки дам олишга бевосита даволаш муассасаларига, санаторийларга ёки дам олиш уйларига келган ҳолларда уларнинг ҳисоби, мулкчилик шаклларида қатъи назар, даволаниш муассасалари, санаторийлар ва дам олиш уйларининг масъул шахслари томонидан олиб борилади;

б) хусусий ишлар билан Ўзбекистон Республикасига келган миллий (дипломатик ёки хизмат) паспортларга эга бўлганлар, чет мамлакатлар ташқи ишлар идораларининг ходимлари ва уларнинг оила аъзолари.

(16-банднинг биринчи хатбоши ва «а» кичик банднинг иккинчи хатбоши Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

17. Мазкур Қоидаларнинг 16-бандида кўрсатиб ўтилган хорижий фуқаролар меҳмонхоналар маъмурияти томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда, бу фуқароларнинг шахсий мурожаатномалари ёки қабул қилувчи ташкилотларнинг буюртманомалари асосида мурожаатномаларда, турларда, аризаларда кўрсатилган муддатга ёки визанинг амал қилиш муддатида ҳисобга олинади ва вақтинча рўйхатдан ўтказишга тенглаштирилади.

18. Агар фуқаролар Ўзбекистон Республикасига келган, яъни назорат-ўтказиш пункти томонидан қўйилган санадан уч кун ўтгандан кейин (байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно) ички ишлар органларида вақтинча рўйхатдан ўтмасдан республика ҳудудида бўлганларида ҳужжатларини расмийлаштириш ва меҳмонхоналарга жойлаштириш тақиқланади.

(17 ва 18-бандлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

19. Меҳмонхоналар маъмурияти Ўзбекистон Республикасига келиш визасига эга бўлмаган, шунингдек бошқа қоида бузишларга йўл қўйган хорижий фуқаролар тўғрисида ҳудудий ички ишлар органларига зудлик билан хабар қилишга мажбурдир.

Бундай шахсларни меҳмонхоналарда расмийлаштириш фақат ички ишлар органларидан рухсат олингандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

20. Ҳужжатларни расмийлаштириш ва меҳмонхоналарга жойлашган хорижий фуқароларнинг бўлиш муддатини узайтириш қабул қилувчи ташкилотларнинг ёзма илтимосномасида (туристлар учун - турнинг амал қилиш муддатида) кўрсатилган, лекин визанинг амал қилиш муддати доирасида амалга оширилади.

(21-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарорига мувофиқ чиқарилган)

22. Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш хорижий фуқаро меҳмонхонага келгандан сўнг 48 соат мобайнида амалга оширилади.

23. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқи бўйича умумий асосларда меҳмонхоналарга жойлаштириладилар ва ҳисобга олиндилар.

24. Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ва Ташқи ишлар вазирлигининг бўлинмаларида аккредитация қилинмаган дипломатик паспортлари мазкур Қоидаларга мувофиқ меҳмонхоналарда ҳисобга олиниши керак.

Миллий паспорт ёки аккредитация карточкаси асосида меҳмонхонада яшаётган Ўзбекистон Республикаси белгиланган тартибда аккредитация қилинган дипломатик корпус аъзолари паспортларга ва аккредитация карточкаларга бирон-бир белги қўйилмасдан меҳмонхоналарнинг ҳисобга олиш дафтарларида ва карточкаларида ҳисобга олиниши керак.

25. Меҳмонхоналар маъмурияти томонидан хорижий фуқароларни ҳисобга олиш юзасидан талабларга риоя этилишини ички ишлар органлари назорат қиладилар.

26. Мазкур Қоидаларнинг 14, 15 ва 16-бандларида кўрсатиб ўтилган хорижий фуқаролар аккредитация ёки уларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддатини узайтириш тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида, ички ишлар органларида ва меҳмонхоналарда визаларнинг амалда бўлиш муддати белгиланган тартибда узайтирилгандан

сўнг, уларнинг амалда бўлиш муддатига кўра амалга оширилади.

(24-26-бандлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

27. Ўзбекистон Республикасига олти ойгача муддатга келган хорижий фуқароларнинг шахсий ва хизмат автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси божхона органларида ҳисобга олиниши керак. Хорижий фуқаролар ўз транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олти ойдан ортиқ муддатга олиб келишлар, бу транспорт воситалари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида миллий рақам белгиларини алмаштирган ҳолда рўйхатга олинади.

(27-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 апрелдаги 203-сонли қарори таҳририда - ЎР ҚХТ, 2004 й., 17-сон, 199-модда)

Халқаро ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автотранспорт воситаларини бошқариш учун ҳақиқий ҳисобланади. Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенциянинг тегишли талабларига жавоб берадиган миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг тасдиқланган таржимаси мавжуд бўлганда ҳақиқий ҳисобланади. Хорижий фуқароларга миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш ёки бу фуқароларга кўрсатилган Конвенция талабларига жавоб бермайдиган гувоҳномаларни алмаштириб бериш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Хорижий шахсларнинг транспорт воситаларини давлат техник кўригидан ўтказиш ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган хорижий фуқароларга тегишли бўлган автотранспортни хорижий фуқароларга фойдаланиш учун бериш автотранспорт давлат рақами белгисини хорижий фуқароларга мўлжалланган тегишли тоифасига алмаштириб бериш учун ички ишлар органларини хабардор қилган ҳолда нотариал тартибда расмийлаштирилади. Хорижий фуқаролар томонидан қайтариб олиб кетиш мажбурияти билан олиб келинган автотранспорт белгиланган муддат тугаши билан чет элга олиб кетилиши керак ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эгаси қолдирилиши мумкин эмас.

III. ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ

28. Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасида доимий яшашлари мумкин. Бунинг учун уларда рухсатнома ва яшаш гувоҳномалари бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномалари хорижий фуқароларнинг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаши учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ берилди.

29. Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсатнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг берган ариза-анкеталари асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан берилди.

(29-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

30. Мавжуд чет эл паспортларининг амалда бўлиш муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида муддати узайтирилган ёки янги чет эл паспортларини тақдим этмаган хорижий

фуқароларга ички ишлар органлари томонидан фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномалари берилади.

31. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи хорижий фуқаролар доимий турар жойлари ёки вақтинча яшаб турган жойларидаги ички ишлар органлари томонидан Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомга мувофиқ рўйхатдан ўтказиладилар (вақтинча рўйхатдан ўтказиладилар).

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш, шунингдек бошқа давлатлардан келаётган чет эл фуқаролари томонидан доимий яшашга рухсатнома олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

(31-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 116-сон қарорига мувофиқ 2 хатбоши билан тўлдирилган - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 17-сон, 191-модда)

IV. ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЮРИШЛАРИ

32. Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб фақат хорижий фуқаролар боришига рухсат берилган жойларда ҳаракат қилишлари шарт.

Хорижий фуқаролар вақтинча бўлиш жойига келишгач Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида вақтинча рўйхатдан ўтишлари ёки меҳмонхоналарда ҳисобга туришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ва яшаш рухсатномасига эга бўлган хорижий фуқаролар учун вақтинча рўйхатдан ўтказиш муайян яшаш жойида бўлган давр учун амалга оширилади. Уч кундан олти ойгача бўлган даврда вақтинча рўйхатдан ўтказиш шахсни доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқармасдан амалга оширилади. 6 ойдан ортиқ муддатга вақтинча рўйхатдан ўтказиш, хизмат сафарига, таътилга, дам олиш ёки даволанишга бораётган шахслардан ташқари, шахсни доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқарган ҳолда амалга оширилади.

(32-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 301-модда)

33. Хорижий фуқароларнинг чегара зоналарига ёки хорижий фуқароларнинг боришлари учун ёпиқ бўлган жойларга киришлари ва уларнинг юришлари ички ишлар органларининг рухсати билангина амалга оширилиши мумкин:

қабул қилувчи ташкилотлар орқали келганлар - бу ташкилотларнинг ёзма мурожаатномалари асосида;

хусусий ишлар бўйича келганлар - хорижий фуқароларнинг шахсий ёзма аризалари асосида.

Қабул қилувчи ташкилотларнинг илтимосига кўра хорижий фуқароларга бир неча марта келиш ва юришга рухсат берилиши мумкин.

34. Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида юришлари тартиби, агар Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро битимларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, икки томонлама шартномалар

ва тенглик асосида белгиланади.

35. Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит ўтишлари Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг транзит ўтишлари қоидаларига мувофиқ амалга оширилади (3-иловага қаралсин).

36. Ўзбекистон Республикасида бўлиш жойларини мазкур қоидаларни бузган ҳолда ўзгартирган хорижий фуқаролар ички ишлар органлари талабига кўра олдинги келган жойларига қайтишга ёки танланган бориш жойларига мувофиқ юришга мажбурдирлар.

V. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШ МУДДАТИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИШ

37. Мазкур қоидаларни бузганлик учун хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Мазкур қоидаларнинг талабларига риоя қилишга мажбур бўлган шахслар (шу жумладан хорижий фуқароларни республикага хусусий ишлар бўйича таклиф қилган ёки уларга хизмат кўрсатаётган шахслар) томонидан уларнинг бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

38. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ёки мазкур қоидаларни бузган хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган бўлиш муддати қисқартирилиши мумкин.

Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддати унинг бундан буён бу ерда бўлиши учун асос ёки маблағ бўлмаган ҳолларда ҳам қисқартирилиши мумкин.

39. Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатини қисқартириш ва уни республика ҳудудидан чиқариб юбориш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

40. Хорижий фуқаро Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган тақдирда, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар бўйича яшаганда, вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтишнинг, ҳаракатланиш ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя қилинмаганда, бўлиш муддати тугагандан кейин чиқиб кетишдан бош тортганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидаларига риоя қилмаганда, кейинчалик Ўзбекистон Республикасига келиш ҳуқуқини бир йилдан уч йил муддатгача чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши мумкин.

Хорижий фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноят учун суд томонидан тайинланган жазони ижро этгандан ёки ўтагандан ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жинорий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилингандан сўнг, кейинчалик Ўзбекистон Республикасига келиш ҳуқуқи чекланган ҳолда:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун — беш йилга;

оғир жиноятлар содир этганлиги учун — ўн йилга;

ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун — умрбод Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилади

Хорижий фуқарога Ўзбекистон Республикасига келиш ҳуқуқини чеклаш муддати, у

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилган (Давлат чегарасини кесиб ўтиш) пайтдан бошлаб ҳисобланади.

(40-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 августдаги 236-сон қарори таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 32-сон, 376-модда)

41. Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши муддатини қисқартириш ва уни республикадан чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари қабул қиладилар. Хорижий фуқаро шу қарорда кўрсатилган муддатда Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишга мажбурдир. Бундай ҳолларда чиқиб кетишдан бош тортган хорижий фуқаролар қонунчиликка мувофиқ мажбурий тартибда чиқариб юборилади.

Хорижий фуқарога берилган виза у Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилганда бекор қилинади.

42. Қабул қилувчи ташкилотлар ва хусусий шахслар ўз таклифлари бўйича Ўзбекистон Республикасида турган хорижий шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши муддатларини қисқартириш ва унинг ҳудудидан чиқариб юбориш тўғрисидаги илтимоснома билан ички ишлар органларига мурожаат қилишлари мумкин.

43. Хизмат, хусусий, савдо ёки жамоат ишлари билан, ўқиш, малака ошириш, ишлаш учун ёки турист сифатида келган хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш харажатлари Ўзбекистон Республикасидаги чиқариб юборилаётган хорижий фуқароларни ўз таклифи бўйича қабул қилган ташкилотлар ва хусусий шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Бошқа хорижий фуқароларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқароларни чиқариб юбориш харажатлари ички ишлар органлари ҳисобидан амалга оширилади.

44. Хорижий фуқаро ўзининг Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши ва Ўзбекистон Республикасида бўлиши муддатини қисқартириш тўғрисидаги қарор устидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда ва асосда шикоят қилишга ҳақлидир.

45. Мазкур Қоидаларнинг 37-43-бандларидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро шартномаларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланувчи шахсларга нисбатан қўлланмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорига 3-илова

**ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИ ОРҚАЛИ ТРАНЗИТ ЎТИШЛАРИ**

ҚОИДАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг* Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишларига, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан берилган транзит визалар мавжуд бўлган тақдирда ҳақиқий паспортлар ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар бўйича рухсат берилади.

* Кейинги ўринларда матнда «хорижий фуқаролар» деб аталади.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

2. Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўзлари борадиган мамлакатга ҳаво, темир йўл ва сув транспорти билан транзит ўтишларига Ўзбекистон Республикаси билан қўшни бўлган давлатга бориш учун ҳақиқий ҳисобланган ҳужжатлар ва тегишли ўтиш ҳужжатлари (уларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа транспортга ўтириш пунктдан кетиш санаси тасдиқланган ҳолда) мавжуд бўлган тақдирда рухсат берилади.

3. Халқаро транзит автоташишларни амалга оширувчи хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси орқали транзит ўтишлари ва уларнинг енгил автомобилларда транзит ўтишлари Ўзбекистон Республикасига қўшни бўлган давлатга ўтиш учун ҳақиқий бўлган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда, шунингдек, давлатлараро битимлар асосида амалга оширилади.

4. Транзит визалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўхташ ҳуқуқисиз берилади. Истисно ҳолларда хорижий фуқароларга қўшни давлатга ўтиш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир ёки бир неча пунктда тўхташ ҳуқуқи билан транзит виза берилиши мумкин.

5. Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали визасиз транзит ўтишга рухсат берилади:

а) ҳаво транспорти йўловчилари Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали қўнмасдан учиб ўтганларида;

б) халқаро авиайўналишлар самолётларида самолётдан самолётга ўтиб учишда ҳамда йўловчиларда бориладиган мамлакатга кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар ва авиачипталар мавжуд бўлганда, уларда самолётдан самолётга ўтиш санаси тасдиқланганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш вақти 24 соатдан ошмаганда. Бунда йўловчилар аэропортнинг улар учун махсус ажратилган ҳудудидан ташқарига чиқиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар;

в) Ўзбекистон Республикаси тегишли ҳукуматлараро битимларга эга бўлган мамлакатлар фуқароларига.

6. Ўзларининг шахсий автомобилларида ёки гуруҳ таркибида автобусда туристик мақсадларда транзит саёҳат қилишни мўлжаллаган хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасига келгунларига қадар «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ва Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини амалга оширувчи туристик ташкилотларнинг автотурларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олишга ва тўхташ пунктлари кўрсатилган

тегишли туристик визага эга бўлишга мажбурдирлар.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасидан чиқиш чегара пунктидан мазкур қоидаларга риоя қилган ҳолда белгиланган йўналиш бўйича юрадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фақат транзит визаларда кўрсатилган пунктларда тўхташлари мумкин бўлади.

8. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали автотранспорт воситаларида транзит ўтувчи, шу жумладан автомобилда халқаро юк ташишларни амалга оширувчи хорижий фуқаролар фақат халқаро автомобиль қатнови учун очиқ бўлган йўллар ва йўналиш варақасида кўрсатилган йўналиш бўйича юришлари мумкин.

Овқатланиш, дам олиш ва тунаб қолиш учун фақат мотеллар, кемпинглар ёки махсус ажратилган тўхташ жойлари мавжуд бўлган йўналишдаги пунктларда тўхташ мумкин.

9. Ўзбекистон Республикасидан темир йўл орқали ўтаётган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтаётган поездларда ўтаётган хорижий фуқаролар поезд тўхтаб туришининг амалдаги жадвалда кўрсатилган вақтида станцияларга тушиш ҳуқуқига эга бўладилар.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 24 соатдан ортиқ бўлмаган муддатда бир ёки бир неча пунктда тўхташ кўрсатилган транзит визага эга бўлган хорижий фуқаролар ушбу пунктларга келганларидан кейин Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари билан белгиланган тартибда меҳмонхонада ҳисобга туришга ёки вақтинча рўйхатдан ўтишга ва улар учун белгиланган бўлиш муддатидан кечикмай Ўзбекистон Республикасидан жўнаб кетишга мажбурдирлар.

(10-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сонли қарори таҳририда)

11. Транзит ўтувчи ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 24 соатдан ортиқ муддатга мажбурий тўхтаган хорижий фуқаролар тўхташ пайтидан бошлаб кейинги сутка мобайнида ички ишлар органларида Ўзбекистон Республикасида бўлиш рўхсатномасини расмийлаштиришга мажбурдирлар.

Мажбурий тўхташ қуйидаги ҳолларда бўлиши мумкин:

а) поезд, автотранспорт воситаси, кема ёки самолётнинг ҳаракатини тўхтатувчи табиий офатлар юз берганда;

б) автомобилнинг бирон-бир қисми бузилиши ёки йўл-транспорт ҳодисаси юз бериши натижасида шикастланган автотранспорт воситасини тузатиш учун;

в) врачнинг ҳулосасига кўра беморнинг йўлда юриши унинг саломатлиги учун хавфли ҳисобланган касаллик ҳолатида. Бундай ҳолда у билан бирга бораётган оила аъзолари ёки ҳамроҳлик қилаётган шахслар беморнинг олдида қолишлари мумкин.

г) йўллар туташган жойда бир транспорт туридан бошқасига ўтириш кечикканда.

Мажбурий тўхташ хорижий фуқароларга бундай тўхташ юз берган шаҳар ёки бошқа аҳоли яшайдиган жой доирасида мажбурий тўхташни келтириб чиқарган сабаб бартараф этилгунга қадар бўлиш ҳуқуқини беради.

Бўлишни ва транзит визаларнинг амал қилиш муддатини узайтиришни расмийлаштириш йўналиш йўлида тўхташ сабаби ва муддатини тасдиқловчи тегишли ташкилот ёки муассасанинг маълумотномаси кўрсатилган ҳолда хорижий фуқаронинг шахсий аризасига биноан амалга оширилади.

12. Қуйидагилар тўхташ вақтида хорижий фуқаролар яшайдиган жойлар бўлиши мумкин:

а) «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг меҳмонхоналари;

б) «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширувчи туристик ташкилотларнинг меҳмонхоналари;

в) транзит йўловчи у билан бирга бўладиган ваколатхонадаги аниқ шахс кўрсатилган ҳолда хорижий ваколатхонанинг ёзма илтимосномаси бўлган тақдирда аккредитация қилинган хорижий ваколатхона биноси.

Тўхташ вақтида хорижий фуқароларнинг ётоқхоналар ва шахсий квартираларда яшашларига истисно ҳолларда ва фақат ички ишлар органларининг рухсати билан йўл қўйилади.

13. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 24 соатдан ортиқ бўлмаган муддатда мажбурий тўхтаган хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишларига транзит виза ички ишлар органларида узайтирилмасдан рухсат берилиши мумкин.

14. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи, йўналишни ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиш чегара пунктини ўзгартиришни истовчи хорижий фуқаролар бунинг учун ички ишлар органларининг рухсатномасини олишлари шарт.

15. Мазкур қоидаларнинг шубҳасиз бузилишига олиб келадиган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий фуқароларга жой, транспорт воситалари беришларига ёхуд уларга бошқа хизматлар кўрсатишларига йўл қўйилмайди.

Хорижий фуқароларга жой ва транспорт воситалари берилган барча ҳолларда уларнинг эгалари бу ҳақда бир суткадан кечикмай ички ишлар органларига маълум қилишлари шарт.

16. Хорижий фуқаролар мазкур Қоидалар бузилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналари ва консуллик муассасалари бошлиқлари ва ходимларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала дипломатик йўл билан ҳал этилади.

Мазкур қоидаларнинг хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш шартларига риоя қилишларини таъминловчи ёхуд уларга хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.